

## ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАР ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ХҮҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Нуралиева Зулфия Алишеровна

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши  
хузуридаги Судьялар олий мактаби  
мустақил изланувчиси

### АННОТАЦИЯ

*Ҳар бир инсон түгелиши билан шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлади. Шахсий номулкий ҳуқуқлар инсон билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмаслиги ва кишининг ҳаёти билан умрбод қолиши билан ажralиб туради. Мажозий маънода айтганда шахсий номулкий ҳуқуқлар инсоннинг исми, унинг дахлизлиги, яшаши ҳуқуқ, сирлари ҳамда шу каби бошқа номоддий неъматлари ва қадрияtlари сифатида эътироф этилади. Шу сабабли вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари доираси, уларнинг амал қилиши ҳамда кафолатларини таҳлил қилиши долзарб тусга эга.*

**Калим сўзлар:** бола ҳуқуқлари, шахсий номулки ҳуқуқлар, оиласда яшаши ва тарбияланиши ҳуқуқ, ўз фикрини ифода этиши ҳуқуқ, исмга бўлган ҳуқуқ, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ҳуқуқи.

### GUARANTEES OF PERSONAL NON-PROPERTY RIGHTS OF MINORS

Nuralieva Zulfiya Alisherovna

High School of Judges under  
Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan  
independent researcher

### ABSTRACT

*Everyone is born with personal property rights. Personal property rights are closely related to a person, are distinguished by the fact that they cannot be transferred to another person and remain with the life of a person for life. Figuratively speaking, personal immovable rights are recognized as a person's name, his inviolability, the right to live, his secrets and other such intangible benefits and values. Therefore, the analysis of the scope of personal property rights of minors, their implementation and guarantees is relevant.*

**Key words:** children's rights, personal property rights, the right to live and be educated in a family, the right to express one's opinion, the right to a name, the right to protect one's rights.

## КИРИШ

Шахсий номулкий хуқуқлар жисмоний шахснинг табиий хуқуқлари орасида асосий ўрин тутади. Мазкур хуқуқлар кишининг ўзлигини англаш ҳамда қонун билан шахс сифатида эътироф этилишини таъминлашга хизмат қиласи. Юридик адабиётларда шахсий номулкий хуқуқлар юзасидан кўплаб фикрлар билдирилган. Жумладан, И.И.Насриевнинг фикрича, “шахсий номулкий неъматларга бўлган субъектив хуқуқи муносабатларнинг элементларида субъектив хуқуқ эгалари ўз хуқуқларининг қўриқланишини ҳар кимдан ва ҳаммадан талаб қила оладилар. Бундай мутлақ хуқуқлар номаълум шахслар томонидан бузилиши мумкин бўлганлиги сабабли, ҳар кимга қарши қўриқланади. Мутлоқ фуқаролик хуқуқига хилоф иш тутилганда, у нисбий хуқуқий муносабатга айланади<sup>1</sup>.

И.Б.Якубованинг холосасига кўра “шахсий номулкий хуқуқлар – субъектив хуқуқлар бўлиб, эгасининг шахси билан узвий боғлиқ бўлган ва ундан бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган, уларнинг мавжудлиги инсоннинг шахсий манфаатларини қамраб оловчи ҳамда бу соҳа ва манфаатларнинг мазмун-моҳиятини шакллантирувчи, ҳар бир шахснинг ҳаёт кечириши билан боғлиқ муайян воқеликни тўлалигича англаш ва идрок этиш имкониятини берувчи, инсоннинг туғилиши билан ёки қонун асосида вужудга келувчи мутлақ характерга эга бўлган хуқуқлардир”<sup>2</sup>.

Ҳ.Раҳмонқулов таъкидлашича “Шахсий номулкий хуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар шахснинг ўзига хос хислатларини ифодаловчи, унинг жамоатчиликда, оилавий хаётда, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги тутган ўрнини, эгаллаган нуфузини ифодаловчи мезонлардан иборат бўлиши билан ФКнинг 81-моддасига мувофиқ моддий неъматлар қаторида фуқаролик хуқуқининг обьекти сифатида тан олинади ва тегишли хуқуқ нормалари воситасида ҳимоя қилинади”<sup>3</sup>.

Шу нуқтаи назардан болалар ҳам муайян шахсий номулкий хуқуқларга эга ҳисобланади. Уларнинг шахсий номулкий хуқуқлари кафолатлари амалдаги қонунчиликда ўз ифодасини топган. Жумладан Оила кодексининг 11-боби бевосита вояга етмаганларнинг шахсий номулкий хуқуқларига бағищланган бўлиб, бундай хуқуқлар жумласидан қўйидагилар санаб ўтилган:

1) Боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш хуқуқи (65-модда);

<sup>1</sup> Насриев И.И. Шахсий номулкий хуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-хуқуқий муоммолари. – Тошкент.: Фоғур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006. – Б. 11.

<sup>2</sup> Якубова И.Б. Ўзбекистон ва Япония қонунчилигига шахсий номулкий хуқуқларни фуқаролик-хуқуқий муҳофаза қилинishi: юрид. фан. фалс. докт (PhD). дис. ... автореф. – Тошкент: 2018. – 21 б.

<sup>3</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик хуқуқининг обьектлари. – Тошкент: 2008. – 15 б.

2) Боланинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш хуқуки (66-модда);

3) Боланинг ҳимояга бўлган хуқуки (67-модда);

4) Боланинг ўз фикрини ифода этиш хуқуки (68-модда);

5) Боланинг исм, ота исми ва фамилия олиш хуқуки (69-модда);

6) Боланинг исми ва фамилиясини ўзгартириш хуқуки (70-модда).

Оилада яшаш ва тарбияланиш хуқуки ҳар бир боланинг табиий хуқуқларидан бири ҳисобланади.

## **МУХОҚАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Яшаш ҳар бир инсон туғилганидан бошлаб унга берилган асосий табиий хуқуқ ҳисобланади. Яшаш хуқуки инсоннинг мавжуд бўлиши, ўсиши ва ривожланишига имкон берадиган асосий хуқуқдир. Ушбу хуқуқ инсоннинг бошқа барча асосий хуқуқларини амалга ошириш ва таъминлаш учун асос, негиз ҳисобланади. Яшаш хуқуки, шунингдек, ҳар бир бола ўз ҳаёти билан яшashi кераклигини ҳам англатади. Болалар ўлдирилмаслик хуқуқига эга. Улар яшаш ва тегишли шароитларда ўсиши хуқуқига эга<sup>4</sup>.

Ҳар бир бола эса оилада яшаш хуқуқига эга. Яъни, ўзининг ота-онаси бағрида яшаш хуқуқига эга. Халқаро хуқуқий ҳужжатларда ҳам боланинг оила яшаш ва тарбияланиш хуқуки борасида аниқ қоидалар белгиланган. Хусусан:

- Инсон хуқуқлари Умумжахон Декларациясининг 3-моддасида: “ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик хуқуқига эга”;

- Инсон хуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг 2-моддасида: “ҳар кимнинг яшаш хуқуки қонун билан ҳимояланган. Қонунда бундай жазо назарда тутилган жиноят содир этганликда айбор деб топилганидан кейин чиқарилган суднинг ўлим жазосини ижро этишдан бошқа ҳеч ким қасддан ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас”;

- Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддасида: “яшаш хуқуки ҳар бир инсоннинг ажралмас хуқуқидир. Бу хуқуқ қонун билан ҳимояланган. Ҳеч ким абадий ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас”; “ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим жазоси тайинланмайди ва ҳомиладор аёлларга нисбатан ижро этилмайди”;

- Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 6-моддасида: “иштирокчи давлатлар ҳар бир боланинг яшаш хуқуқига эга эканлигини тан олишади. Иштирокчи давлатлар боланинг омон қолиши ва соғлом ривожланишини максимал даражада таъминлаши керак”.

<sup>4</sup> Understanding Children's Rights. URL: <https://www.humanium.org/en/fundamental-rights/>

Яшаш хуқуқи миллий қонунчилиқда ҳам таъминланади:

- Конституциянинг 14-моддасида “яшаш хуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий хуқуқидир. Инсон ҳаётига сүиқасд қилиш энг оғир жиноят” эканлиги белгиланган;
- Конституциясининг 27-моддасида: “ҳар бир инсон ўз ҳаёти ва соғлигини, бошқа одамларнинг ҳаёти ва соғлигини ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш хуқуқига эга”лиги эътироф этилган;

Яшаш хуқуқи Фуқаролик кодексининг алоҳида келтириб ўтилмаган. Ушбу кодексда асосий эътибор фуқаронинг яшаш жойига қаратилган. Ҳатто шахсий номулкий хуқуқлар санаб ўтилган ФКнинг 99-моддасида ҳам яшаш хуқуқи мавжудлиги эътироф этилмаган. Бундан фарқли равишда айрим мамлакатларнинг ФКда яшаш хуқуқи фуқароларнинг асосий шахсий номулкий хуқуқи сифатида келтирилган. Масалан, Украина ФКнинг “Яшашга бўлган хуқуқи” деб номланган 281-моддасида қоидалар белгиланган:

1. Жисмоний шахс яшашга бўлган ажralmas хуқуққа эга.
2. Жисмоний шахс ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Жисмоний шахс ўз ҳаёти ва соғлигини, шу жумладан бошқа жисмоний шахснинг ҳаёти ва соғлигини ҳар қандай хуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимоя қилиш хуқуқига эга.
3. Тиббий, илмий ва бошқа тажриба фақат вояга етган муомалага лаёқатли жисмоний шахснинг эркин розилиги бўйича ўтказилиши мумкин. Дори воситаларининг клиник синови қонунга мувофиқ ўтказилади.
4. Жисмоний шахснинг ўз ҳаётини тугатиш ҳақидаги илтимосини қаноатлантириш тақиқланади.
5. Стерилизация қилиш фақат вояга етган жисмоний шахснинг истаги бўйича амалга оширилади.
6. Ҳомилани сунъий тушириш, агар ҳомила ўн икки ҳафтадан ошмаган бўлса, аёлнинг истаги бўйича амалга оширилади. Қонунчилиқда белгиланган ҳолларда ҳомилани сунъий тушуриш ҳомиланинг ўт икки ҳавфтадан йигирма икки ҳафталик муддатигача амалга оширилиши мумкин. Йигирма икки ҳафталикдан кейин ҳомилани тушуришга имкон берувчи ҳолатлар рўйхати қонунчилик билан белгиланади.
7. Вояга етган аёл тиббий кўрсаткичлар бўйича ўзига нисбатан ёрдамчи репродуктив технологиялар даволаш дастурларини қонунчилиқда белгиланган тартиб ва шартларга мувофиқ ўтказилиш хуқуқига эга.

Фикримизча Украина ФКдаги бу қоидалар “яшашга бўлган хуқуқ” ҳақида белгиланмоқда, яъни “яшаш хуқуқи” ҳақида эмас. Гап шундаки “яшаш хуқуқи” инсоннинг тирик бўлишга, умр кечириши бўлган хуқуқи бўлиб, бу хуқуқ-

имконият Аллоҳ томонидан инъом этилган, бошқа айтганда табий хукуқ саналади. “Яшашга бўлган хукуқ” эса жисмоний шахснинг ўз тириклиги ва яшашига нисбатан қандай имкониятлар белгиланганлигини назарда тутади. Шу сабабли фуқаролик қонунчилигидан жисмоний шахснинг яшашга бўлган хукуки, яъни ўз ҳаётини давом эттириш ёки тугатишга таъсир қилиши мумкин бўлган қандай ваколатларга, хукуқларга ҳам имкониятларга эгалигини белгилаш ўринли ва асосли ёндашувдир. Чунки, жисмоний шахснинг “яшаш хукуқи” конституциявий нормаларда белгиланган бўлиб, ушбу хукуқ эгаси бўлган фуқаронинг мазку хукуқ (яшаш хукуқи)ни реализация қилиш чегаралари, шартлари ва асослари фуқаролик қонунчилигига ифодаланиши ўринлидир. Бизнингча жисмоний шахснинг “яшашга бўлган хукуқи” ҳақидаги қоидалар ФҚда ўз ифодасини топиши лозим.

Вояга етмаган болаларнинг оиласида яшаш ва тарбияланиш хукуқи хусусида юридик адабиётларда бир қатор фикрлар билдирилган. Жумладан, Ю.Ф.Беспаловнинг фикрича “ўз ота-онаси билан оиласида яшаш ва тарбияланиш хукуқи қонун нормалари ва бошқа ижтимоий тартибга солувчилар томонидан боланинг ўз ота-онасининг оиласида яшаш ваколати, улар томонидан тарбияланиши ҳамда ва ота-онасининг ўз боласини тарбиялашга оид хукуқ ва мажбуриятлари деб тушунилиши керак”<sup>5</sup>.

С.В.Букшинанинг ёзишича ота-онанинг хукуқ ва мажбуриятлари бирлиги муаммоси илмий мунозаралар предмети саналади. Айрим муаллифлар ота-онанинг хукуқ ва мажбуриятларининг ажralmas бирлигини умумназарий нуқтаи назардан эмас, балки маҳсус (хукуқ айни пайтда мажбуриятдир) нуқтаи назардан қайд этадилар<sup>6</sup>.

Баъзи муаллифларнинг фикрича ота-оналар ва болалар ўртасидаги хукуқий муносабатларда хукуқ ва мажбуриятларнинг классик қайдлари мавжуд деб ҳисоблайди: ота-оналарнинг хукуқлари мажбуриятларга, ота-оналарнинг мажбуриятлари эса болаларнинг ваколатларига мос келади. Қонунда “болалар мажбуриятлари” йўқлиги муносабати билан қуйидагилар қайд этилган: “қонунчиликда ота-оналарнинг болаларга нисбатан хукуқлари тўғрисидаги қоида ўз навбатида ушбу хукуқларга мос келадиган болаларга мажбуриятлар юкланишини кўрсатиши керак” Аммо мажбурият давлат мажбурлаш чораларини қўллаш имконияти шаклида бўлиб, уни бажармаслик учун санкцияни назарда тутганлиги сабабли, ота-оналарнинг тарбиявий характердаги

<sup>5</sup> Беспалов Ю.Ф. К вопросу о некоторых семейных правах ребенка в РФ и проблемах их осуществления // Социально-юридическая тетрадь. 2019. № 9. С. 6-15.

<sup>6</sup> Букшина С.В. Право ребенка жить и воспитываться в семье // Молодой ученый. 2010. – № 12 (23). – Т. 1. – С. 211-214. – URL: <https://moluch.ru/archive/23/2410/> (дата обращения: 20.01.2023).

талабларини бажармаслик бундай оқибатларга олиб келмайди, бунда ота-оналарнинг шахсий ҳуқуқлари ҳақида гапирганда ушбу ҳуқуққа қарама-қарши ҳолдаги болаларнинг шахсий мажбуриятлари хусусида сўз юритилмаслиги қабул қилинган. Шу билан бирга, ота-оналарга “болаларга ахлоқ тамойиллариға зид бўлмаган ҳар қандай усувларни қўллашга рухсат берилади” ва “улар шу билан қонун ҳимоясини олганликлари сабабли” ушбу ҳуқуқий муҳофаза болалар зиммасига муайян мажбуриятларни юклайди”<sup>7</sup>.

М.В.Геллернинг фикрича “боланинг оилада яшаш ва тарбиялаш ҳуқуки унинг келиб чиқиши белгиланганидан қатъи назар, туғилиш фактидан келиб чиқади ва фақат унинг ўлими ёки вояга етиши муносабати билан тўхтайди. Бошқа ҳеч қандай ҳолатлар, шу жумладан тўлиқ фуқаролик ҳуқуқий лаёқатини олиш, вояга етгунга қадар ушбу ҳуқуқнинг йўқолишига олиб келиши мумкин эмас”<sup>8</sup>.

Фикримизча, боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуки бевосита боланинг ўз ота-онаси билан бирга яшаш, ота-онасининг қарамоғи ва ғамхўрлигига тарбияланиш ваколатини англатади. Бунда ота-она ҳам ўз боласини тарбиялаш ҳуқуқига эга. Ота-онанинг бу ҳуқуки нафақат ҳуқуқ ва давлат қонунлари билан белгиланади, балки диний-ахлоқий қадриятлардан ҳам келиб чиқади. Болани тарбиялашда ота-она ҳуқуқларининг устуворлигига ислом динида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Пайғамбаримиз Мұхаммад (С.А.В.) “ота учун бола тарбияси ҳар кунлик садақадан афзал ва қадрлидир”<sup>9</sup>.

Имом Ал-Ғаззолий кўп оят ва ҳадисларни ҳисобга олиб: “билингки, фарзанд тарбияси бошқалар қатори энг муҳими, энг асосийсидир. Болалар Қодир Аллоҳ томонидан вақтинча ота-оналарга ишониб топширилган, бунинг учун улар Аллоҳ олдида жавоб берадилар. Боланинг туғилган пайтида унинг юраги ҳар қандай излардан маҳрум, унинг онги стереотиплар, қоидалар ва эътиқодлардан холидир. Бола ҳамма нарсани қабул қиласи, ҳамма нарсани ўзлаштиради. Агар у яхшиликка ўрганиб қолган бўлса, яхшиликни ўргатган ва шу тарзда тарбияланган бўлса, у дунёвий ва абадий баҳтли бўлади. Унинг ота-онаси ва унинг таълим ва тарбиясида иштирок этганларнинг барчаси унинг барча Солих ишлари ва ишлари учун яхшилик билан мукофотланади. Агар у

<sup>7</sup> Тарусина Н.Н. Семейное право. Учебное пособие. – М.: Проспект. 2000. – 101 с.

<sup>8</sup> Геллер М.В. Реализация и защита права несовершеннолетнего жить и воспитываться в семье по законодательству Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2007. – 10 с.

<sup>9</sup> аль-Бенна А. (известный как ас-Са‘ати). Аль-фатх ар-раббани ли тартиб муснад аль-имам ахмад ибн ханбалъ аш-шайбани. Т. 10. Ч. 19. С. 45

ёвузликка кўникса ёки ҳайвон каби эътиборсиз қолса, у баҳтсиз бўлиб қолади, ҳалок бўлади ва уни кўтаришга мажбур бўлганларнинг елкасига юк тушади”<sup>10</sup>.

Ислом динидаги болаларнинг оилада яшаш ва тарбияланишининг аҳамияти, бунда ота-оналарнинг масъулияти ва мажбурияти катта эканлиги, болалар тарбиясига эътиборсизлик қилган бандалар Аллоҳ олдида жавобгар эканликлари келтирилган. Албатта, ушбу қадриятлар халқимизда жуда улуғланади ҳамда болаларнинг оилада ота-онаси билан бирга яшашлари ва тарбияланишларига алоҳида эътибор қаратилади. Бугунги кунда урбанизация жараёнларининг кучайиб бораётганлиги, айрим ота-оналар чет элларда ишлашини, бунда болалар қариндошларинида тарбияланаётганлиги ҳолатлар кўп учрайди. Бундай ҳолатларда болалар қолдириб кетилган қариндошларнинг болалар билан бўладиган муносабатларида турли низолар юзага келиши, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кузатилади. Лекин кўп ҳолатларда ота-онаси томонидан чет элга ишга кетиб қариндошларнинг тарбияси ва қарамоғида қолдирилган болаларнинг руҳий ва маънавий тарбияси билан боғлиқ масалалар тегишли ваколатли органлар томонидан эътиборсиз қолдирилмоқда. Фикримизча, мазкур муаммони бартараф этиш учун бундай болаларнинг рўйхатини юритиш, улар билан васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда тегишли маҳаллалар шуғулланиши лозим бўлади. Зеро, маҳаллаларда мана шу тоифадаги болалар билан иш олиб борилса, уларга бўлган ғамхўрлик, тўгри тарбия йўлга қўйилади ҳамда боланинг жамият ҳаётидан узилиб қолишининг олди олинади.

Вояга етмаган болалар шахсий номулкий хукуқларининг навбатдаги кафолати – бу боланинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш хукуқи ҳисобланади. ОКниг 66-моддаси биринчи қисми бола кўришишга ҳақли бўлган қўйидагилар шахсларни санаб ўтади: “отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари”. Боланинг бу хукуқига ота-онасининг никоҳдан ажрашганлиги, улар ўртасидаги никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилганлиги ҳамда ота-онасининг бир-бирида алоҳида яшаётганлиги таъсир қилмайди.

Бола хукуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 9-моддасига биноан, иштирокчи давлатлар “бир ёки иккала ота-онадан ажralган боланинг хукуқларини хурмат қиласидилар, боланинг от-онанинг иккаласи билан ҳам шахсий муносабатларини ва доимий равишда бевосита алоқада бўлиш хукуқини қўллаб-қувватлайдилар, бу ҳолатлар боланинг энг мақбул манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно”.

<sup>10</sup> аль-Газали М. (450–505 гг. по хиджре). Ихъя ‘улюм ад-дин [Иймон тўғрисидаги илмлар]. В 6 т. С. 69.

“Боланинг ота-онаси бошқа бошқа яшаганда улар билан мулоқот қилиш ҳуқуқи боладан алоҳида яшайдиган ота-онанинг у билан мулоқот қилиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва боланинг таълим олиш ҳуқуқини ҳал қилиш; таълим муассасалари, тиббиёт муассасалари, ижтимоий ҳимоя муассасалари ва шунга ўхшаш ташкилотлардан фарзанди ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи билан уйғунликда амал қиласди. Шунга кўра, бола билан яшайдиган ота-она унинг бошқа ота-она билан мулоқотига, агар бундай мулоқот боланинг жисмоний ва рухий саломатлигига, унинг ахлоқий ривожланишига зарар етказмаса, аралашмаслиги керак”<sup>11</sup>.

Албатта, боланинг ота-онаси бошқа бошқа давлатларда ёки турли давлатларда истиқомат қилган тақдирда мулоқот қилиш ҳуқуқини амалга ошириш айниқса қийин. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг 10-моддасига биноан, ота-онаси турли давлатларда яшовчи бола ҳар иккала ота-она билан шахсий муносабатларни ва бевосита алоқаларни доимий равишда сақлаб туриш ҳуқуқига эга, алоҳида ҳолатлар бундан мустасно. Ота-оналар ва бошқа қариндошлар билан мулоқот қилиш ҳуқуқига нафақат юзма-юз учрашиш ҳуқуқи, балки ёзишмалар, телефон, электрон почта ва бошқалар орқали мулоқот қилиш ҳуқуқи ҳам киради.

Оила кодексида бола билан мулоқот қилиш ҳуқуқига эга бўлган қариндошларнинг тўлиқ рўйхати мавжуд эмас, бу эса ушбу тоифага узокроқ қариндошлиқ даражасидаги шахсларни киритиш имконини беради. Қариндошлар-қон билан боғлиқ бўлган ва бир-биридан ёки умумий аждоддан келиб чиқсан шахслар, шу жумладан катта бобо (катта буви), амаки (хола) ва бошқалар. Бобо ва бувилар, aka-ука, опа-сингиллар ва бошқа қариндошлар бола билан мулоқот қилиш ҳуқуқига эга.

Шуни таъкидлаш керакки, "оила аъзоси", "қариндошлар" ва "яқин қариндошлар" тушунчалари, албатта, бир хил эмас. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси оила аъзоларини эслатиб ўтади. Оила кодексининг 66-моддасига мувофиқ, бола ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан мулоқот қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек бобо, буви, aka-ука, опа-сингиллар ва бошқа қариндошлар бола билан мулоқот қилиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, васийлик ва ҳомийлик органи ота-оналарни (улардан бирини) боланинг фақат яқин қариндошлари билан мулоқотига аралашмасликни мажбур қилиши мумкин. Ва фақат яқин қариндошлар, агар ота-оналар (улардан бири) васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига бўйсунмаса, бола билан мулоқот қилишдаги

<sup>11</sup> Беседкина Н.И. Право ребенка на общение с родителями и другими родственниками // Образование и право. 2013. – № 1 (41) – 2 (42). – С. 44.

тўсиқларни олиб ташлаш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Оила кодексининг 57-моддасига мувофиқ, яқин қариндошлар тўғридан-тўғри қўтарилиш ва тушиш чизигидаги қариндошларни (ота-оналар ва болалар, бобо, бувиси ва набиралари), тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган (умумий отаси ёки онаси бўлган) ака-ука ва опа-сингилларни ўз ичига олади. Оила кодексининг 9-боб мантиғига асосланиб, оила аъзоларига ака-ука, опа-сингиллар, бобо-бувилар, набиралар, тарбияланувчилар, амалдаги тарбиячилар, ўгай ота, ўгай она, ўгай ўғил, ўгай қиз киради. Оила кодексининг 66, 77-моддалари қоидаларини мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда ҳал қилувчи омил фақат боланинг манфаатларига риоя қилиш, унинг муайян қариндошлари ва (ёки) оила аъзолари билан мулоқот қилиш мақсадга мувофиқлиги ва зарурати бўлиши мумкин.

ОКнинг 66-моддаси учинчи қисмига кўра “фавқулодда вазиятларга тушиб қолган бола (ушлаб туриш, қамоққа олиш, ҳибсга олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонунда белгиланган тартибда кўришиш хуқуқига эга”. Ушбу қоида Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 40-моддаси белгиланган “боланинг ота-онаси ёки қонуний васийлари ва ҳомийлари орқали унга қўйилган айловлар тўғрисида зудлик билан ва тўғридан-тўғри хабардор қилиниши ҳамда уларнинг ҳимоясини тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этган ҳолда қонуний ва бошқа зарур ёрдам олиш хуқуки назарда тутилган” қоида билан ҳамаёнгдир.

Фавқулодда вазиятларга мисол сифатида қонунда ушлаб туриш, қамоққа олиш, ҳибсга олиш, шунингдек, тиббий муассасада бўлиш таъкидланган. Шунга қарамай, фавқулодда вазият тушунчаси қонун билан белгиланмаган ва вояга етмаганларга маънавий ва жисмоний зарар етказиш хавфини туғдирадиган бошқа ҳолатларни қамраб олиши мумкин. Бола учун фавқулодда вазият қийин ҳаётий вазият бўлиши мумкин. Ҳаётий вазият-бу фуқаронинг ҳаётий фаолиятини объектив равишида бузадиган ва уни ўзи енгиб чиқа олмайдиган ҳолатдир (ногиронлик, қариллик, касаллик, етимлик, бепарволик, кам даромад, ишсизлик, маълум бир яшаш жойининг етишмаслиги, низолар ва оиласидаги зўравонлик, ёлғизлик ва бошқалар).

Қонун билан болага фавқулодда вазиятларда мулоқот қилиш хуқуки нафақат инсонпарварлик, балки таълим воситаси ва керак бўлганда қайта тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қиласиди<sup>12</sup>. Бола оғир касал бўлиб, касалхонага

<sup>12</sup> Король И.Г. Личные неимущественные права ребенка по семейному праву Российской Федерации: научно-практическое пособие. Проспект, 2010.

ётқизилиши керак бўлган ёки ногиронлик туфайли уйда қололмаган ҳолатлар ҳам фавқулодда вазиятлар сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Шунингдек, муайян вазиятларда бола ота-онаси ва қариндошлари билан мулоқот қилишга муҳтож бўлиши мумкин. Ота-оналардан бири (бошқа қонуний вакил) ёки бошқа оила аъзосига боланинг даволаниши манфаатларидан келиб чиқиб, боланинг ёшидан қатъи назар, у билан касалхонада қолиш муддати давомида у билан бирга бўлиш ҳуқуқи берилади. Шифохона муассасасида бир бола билан бирга қолган бутун давр учун, бир ота-она (бошқа қонуний вакили) ёки бошқа оила аъзоси касал болага қараб турганлик учун ёрдам берилади.

ОКнинг 67-моддасига биноан “бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига”. Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи унинг ота-онаси, қонуний вакиллари, ваколатли давлат органларининг мансабдор шахслари (прокурор, суд, ички ишлар органлари) томонидан амалга оширилади. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси биринчи қисмига мувофиқ “ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”.

Л.Ю. Грудцинанинг таъкидлашича, ҳар бир бола ҳар қандай ҳаётий вазиятда уларга осонликча ёрдам қилиш учун ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши керак<sup>13</sup>. Н.М.Савелеванинг айтишича, амалдаги қонунчилик болага ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради, аммо ҳар доим ҳам бола суд ҳимояси ҳуқуқидан эркин фойдалана олмайди<sup>14</sup>.

А.Г.Глисковнинг таъкидлашича, бугунги қунда боланинг умумэътироф этилган ҳуқуқ ва манфаатлари тўғрисида аниқ тушунча ва вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги механизмлар ва процедураларнинг тўлиқ тизими мавжуд. Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳамжамиятнинг энг муҳим ютуқларидан бири, унинг фикрича, халқаро ҳамжамият томонидан болаларнинг жисмоний ва руҳий етук эмаслиги туфайли

<sup>13</sup> Грудцина Л.Ю. Семейное право России // Юриспруденция. - 2006. - № 4. - С. 39-48.

<sup>14</sup> Савельева, Н.М. Правовое положение Ребенка в России / Н.М. Савельева // История. - 2000. - №46. - С 56-62.

ота-оналар, жамият ва улар давлат томонидан ҳимояга мұхтож эканлиги ҳодисасини тан олишдір<sup>15</sup>.

Н.В. Кравчукнинг таъкидлашича, қонунчиликда мустаҳкамланган ёки эълон қилинган ҳуқуқий кафолатлар болалар, айниқса ўсмирлар ва ёшлар ҳаётининг деярли барча камчиликларини қамраб олади. Бироқ, бугунги кунда улар давлатнинг иқтисодий имкониятларининг ўзгаришига мос келмайди. Аммо ушбу ҳуқуқларнинг асосини таъминлашнинг психологияк ва педагогик жиҳати соҳасида, биринчи навбатда, боланинг асосий ҳуқуқлари түғрисидаги Конвенциянинг қоидаларини амалга ошириш хавфига қаратилған бўлиб, бугунги муносабат орасида уларга инсонпарвар бўлиб, уларнинг ижтимоий ҳаётини замонавий қийин педагогик шароитларда уйғулаштириш талаб этилади. Бу, биринчи навбатда, бугунги кунда бизнинг ўзгарувчан онгимизга қандайdir янги устуворликларни киритишни, жамиятда унинг ҳар бир аъзосига, шу жумладан асосий ва биринчи навбатда, чинакам инсоний муносабатларни тасдиқлашни талаб қиласи<sup>16</sup>.

Фикримизча, болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муайян воситалар ва ҳуқуқий механизмларга асосланади. Бунда ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчи қонуний вакиллар ҳамда ваколатли давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бола ҳуқуқлари бузилганда зудлик билан тегишли чоралар кўрилиши, қонунчиликда белгиланган тартибда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юридик ва амалий усувлари қўлланилиши лозим бўлади.

Субъектив ҳуқуқларнинг ҳимояси борасида юридик адабиётлар бир қатор фикрлар билдирилган. Жумладан, В.В.Бутневнинг нуқтаи назарига кўра, субъектив ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш механизми “умумқабул қилинган ҳуқуқий воситалар тизими бўлиб, уларнинг ёрдамида бузилган субъектив ҳуқуқларни тиклаш, қонун билан мухофаза қилинадиган манфаатларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш ва қонуний манфаатлар таъминлаш, субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш учун бошқа тўсиқлар бартараф этиш амалга оширилади”<sup>17</sup>.

“Инсон ҳуқуқларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизми, - дейди А.С.Мордовец, - бу инсоннинг ўзига хос қадр-қимматидан келиб

<sup>15</sup> Глисков, А.Г. Права и обязанности несовершеннолетних: (комментарии к законодательству о правах несовершеннолетних и защите этих прав) / А.Г. Глисков, А.И. Забейвортова, О.В. Самолюк. - Ростов-на-Дону: Феникс, 2007. - 634 с. - (Закон и общество).

<sup>16</sup> Кравчук, Н.В. Конвенция о правах ребенка ООН как инструмент защиты семейных прав ребенка в России/ Н.В. Кравчук // Государство и право. - 2006. - № 4. - С.49-58.

<sup>17</sup> Бутнев В.В. Механизм судебной защиты субъективных прав и охраняемых законом интересов// Юридические записки Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидова. Вып. 4 / Под ред. В.Н. Карташова, В.В. Бутнева. Ярославль, 2010 – С.86

чиқадиган барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини хурмат қилиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган ва унинг эркин ва тўлиқ ривожланиши учун зарур бўлган воситалар ва омилларнинг маълум тизими ҳисобланади. Механизмнинг асосий мақсади инсон ва фуқароларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Механизмнинг вазифаларига бузилган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш ва тиклаш, аҳолининг умумий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш киради”<sup>18</sup>.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмига келсак, бу ҳолда биз вояга етмаганларнинг инсон ҳуқуқлари механизми унинг ҳуқуқларини таъминлаш учун фойдаланиладиган ўзаро таъсири қилувчи ижтимоий ва ҳуқуқий воситалар тизими деб ҳисоблайдиган В.И.Абрамовнинг фикрига кўшиламиз<sup>19</sup>.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларидан бири сифатида “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг зиммаларидан мажбуриятларни бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмагандан ёки бола ҳуқуқларига нисбатан суиистеъмолчиликка йўл қўйилган ҳолларда боланинг тегишли давлат органларга ўз ҳуқуқлари ҳимоясини сўраб мурожаат қилиш ҳуқуки белгиланган. Қўшимчасига бундай мурожаат қилган боланинг тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги аҳамият касб этмаслиги, васийлик ва ҳомийлик органи ёки бошқа давлат органи бу мурожаатни кўриб чиқиши лозимлиги қонунчиликда аниқ белгиланган.

ОКнинг 67-моддаси тўртинчи қисмига биноан “Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармагандан ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”. Бола ўн тўрт ёшга тўлмаган бўлса унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органи ёки бошқа давлат органи (масалан, прокуратура, ички ишлар органлари) томонидан таъминланади.

<sup>18</sup> Мордовец, А.С. Социально-юридический механизм обеспечения прав человека и гражданина / Под ред. Н.И.Матузова. Саратов, 2009. – 288 с.

<sup>19</sup> Абрамов, В.И. Права ребенка и их защита в России: общетеоретический анализ : автореф. ... д-ра юрид. наук / В.И. Абрамов Саратов, 2007. – С.9.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, бола ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга (ОКнинг 68-моддаси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддаси).

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 12-моддасига мувофиқ, фикри ва қарашларини шакллантиришга қодир бўлган бола ўз нуқтаи назари, унинг манфаатларига дахлдор бўлган ҳар қандай масалани ҳал қилишда, шу жумладан унинг манфаатларига дахлдор бўлган ҳар қандай суд ёки маъмурий суд жараёнида эшитилганда ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга. Оила кодекси Конвенция нормаларини ҳисобга олган ҳолда болага бу ҳуқуқни беради. Бундан ташқари, иложи бўлса, боланинг фикри ҳар доим ҳисобга олиниши керак, лекин баъзи ҳолларда вояга етмаганнинг фикрини ҳисобга олиш мажбурийдир. Ўн ёшга тўлган боланинг фикрини ҳисобга олиш ОҚда назарда тутилган ҳолларда мажбурийдир. Шу билан бирга, боланинг оиласи ва атроф-муҳит манфаатларига таъсир қилувчи деярли барча қарорларни қабул қилишда, шу жумладан ота-оналар ва бошқа қариндошлар билан мулоқот қилиш ҳуқуқидан фойдаланишда боланинг фикрини ҳисобга олиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, ОКнинг 68-моддаси ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасида боладан неччи ёшдан бошлаб фикри сўралиши ҳақида аниқ қоида белгиланмаган. Бироқ ОҚда ўн ёшли боланинг фикри сўралиши ҳам инобатга олинишига оид бир қатор қоидалар белгиланган (70-моддани тўртинчи қисми, 82-модданинг бешинчи қисми, 155-модданинг биринчи қисми, 171-модданинг биринчи қисми ва ҳ.зо).

Юридик адабиётларда боланинг фикрини олишга оид қонунчилик талаби ва унинг аҳамияти хусусида айрим фикрлар билдирилган. Жумладан, О.Ю.Ильина тўғри таъкидлаганидек: “10 ёшгача бўлган болаларнинг далилларини ҳисобга олиш ёки рад этиш ота-оналарнинг мутлақ ҳуқуқидир”<sup>20</sup>. Кўриниб турибдики, бу, биринчи навбатда, боланинг маълум даражада интеллектуал ва физиологик ривожланишига боғлиқ бўлиб, у ўз фикрини атрофдагилар учун аниқ ва тушунарли бўлган ҳар қандай шаклда мустақил равишда шакллантира олади. Масалан, ота-онаси унга таълим муассасасини танлаганида, бола ўзининг фикрини ифодалаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин ва ҳоказо.

Илмий адабиётларда 10 ёш - боланинг иродасига бундай ҳал қилувчи аҳамият бериш учун жуда кичик ёш эканлиги қайд этилган. Масалан, А.И.Пергамент муайян масалаларни мустақил равишда ҳал қилиш учун “боланинг онги катта етукликка эга бўлиши зарурлигини” таъкидлайди ва

<sup>20</sup> Ильина О.Ю. Интересы ребенка в семейном праве Российской Федерации. М., 2006. С. 106.

қонун вояга етмаганнинг иродасига ҳал қилувчи аҳамият берадиган барча ҳолатлар учун боланинг ёшини 12 ёшга қўпайтиришни таклиф қилди<sup>21</sup>. Бундан ташқари, Н. В. Летованинг қайд этишича, 10 ёшида боланинг розилигини олиш тўғрисидаги нормаа амалиётда ўзини тўлиқ оқлади. 10 ёшли боланинг ёши қонунда қатъий илмий, физиологик ва психологияк асосланмаган ҳолда белгиланган, аммо бу бола бошқаларга онгли равишда ўз муносабатини кўрсата бошлаган ва улар ҳакида ўз фикрини билдира оладиган ёшга тўғри келади<sup>22</sup>.

М.В.Антокольская боланинг ўз фикрини билдириш ҳуқуқининг муҳимлигини жуда лўнда тарзда ифодалайди: “боланинг фикрини ҳисобга олиш, биринчи навбатда, у эшитилишини англатади; иккинчидан, боланинг фикри билан келишмовчилик бўлса, унинг манфаатларига таъсир қиласиган масалаларни ҳал қиласиган шахслар нима учун боланинг истакларига инобатга олмаганликлари сабаблари асослашлари шарт”<sup>23</sup>.

Оилада унинг манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини эркин ифода этиш тўғрисидаги қоидаларни ишлаб чиқишида қонун чиқарувчи боланинг ўз фикрини билдириш ҳуқуқини амалга оширишнинг турли шаклларини назарда тутади, боланинг фикри ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган қўйидаги ҳолатларни белгилайди:

- биринчидан, бола оиладаги манфаатларига таъсир қиласиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга;
- иккинчидан, бола ўз ҳуқуқ ва манфаатларига тааллукли ҳар қандай суд ёки маъмурий процессда иштирок эшитиш ҳуқуқига эга;
- учинчидан, ўн ёшга тўлган боланинг фикрини ҳисобга олиш мажбурийдир, бу унинг манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустасно;
- тўртинчидан, ОҚда назарда тутилган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органлари ёки суд фақат ўн ёшга тўлган боланинг розилиги билан қарор қабул қилиши мумкин<sup>24</sup>.

Н.Н.Тарусина ўз асрларида таъкидлаганидек, боланинг ўз фикрини билдириш ҳуқуқини алоҳида ва биргаликда ҳаракат қиласиган иккита мезон бўйича фарқлаш мумкин: ёши ва оилавий ҳуқуқий хужжатнинг аҳамияти. Оила қонунчилигига назарда тутилган ҳолларда, ўн ёшдан катта боланинг розилиги мажбурийдир<sup>25</sup>. Шундай қилиб, боланинг исмини ва (ёки) фамилиясини, шу жумладан асрраб олинган фамилиясини ўзгартириш, болага нисбатан ота-оналиқ

<sup>21</sup> Пергамент А.И. Опека и попечительство. М., 1966. С. 98.

<sup>22</sup> Летова Н.В. Усыновление в Российской Федерации: правовые проблемы. М., 2006. С. 78.

<sup>23</sup> Антокольская М.В. Семейное право: учебник. М., 2002. С. 189.

<sup>24</sup> Джабуа И.В. Право ребенка на выражение собственного мнения // Вестник Московского университета МВД России. 2013. – № 3. – С. 73.

<sup>25</sup> Тарусина Н.Н. Семейное право: учеб. пособие. М., 2001. – С. 111.

хуқукини тиклаш, болани асраб олиш, ўн ёшга тўлган болага васий тайинлаш фақат унинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин; яъни, агар бола унга эътиroz билдирса, бундай харакатларни умуман бажариш мумкин эмас.

Кичик ёшдаги, яъни, ўн ёшдан кичик болалар, “диспозитив режимда фикр билдириш хуқукига эгадилар: уни ҳисобга олиш мажбурийдир, аммо бошқа қарор учун мажбурийлик ва мотивация даражаси ота-оналар, васийлик ва ҳомийлик органи, суднинг ихтиёрида бўлади. Ушбу қоида “боланинг манфаатларига” қаратилган, аммо бу ерда ҳам аниқ вазиятга қараб қарорни қабул имкониятлари жуда катта”. Маълум бўлишича, ўн ёшгача бўлган болаларнинг фикрларини ҳисобга олиш ёки рад этиш ота-оналарнинг эксклюзив хуқукидир. Бироқ, бола 10 ёшга тўлгандан сўнг, ота-оналар томонидан унинг фикрини кўриб чиқиши мажбурийдир, фақат амалга оширилиши боланинг манфаатларига зид келадиган таклиф ва истаклари истисно бўлиши мумкин.

Бир қатор мутахассислар боланинг ўз фикрини ифода этиш хуқуки бўйича ёш цензини ўрнатишда турлича қарашларни билдиришади. Хусусан, замонавий психологларнинг тадқиқотлари “глобал ўзгаришлар даврида болаликнинг вақт давомийлиги сезиларли даражада камаяди” деган холосага келади<sup>26</sup>. 1 ёшдан 3 ёшгача бола мустақилликка, ўзига ишончга эга бўла бошлайди, ўзига мустақил, алоҳида шахс сифатида қарай бошлайди, лекин ҳали ҳам ота-онасига қарам бўлади. Аксарият психологлар “шахснинг биринчи туғилиши” ни 3 ёш билан боғлашади. Бу ёшда болалар аллақачон атрофдаги дунё ҳақида гапиришади, кундалик вазифаларни ҳал қилишда иштирок этишлари мумкин. Шундай қилиб, бола 3 ёшдан бошлаб унинг манфаатларига таъсир қиласидан барча масалалар бўйича ўз фикрини билдириши мумкин<sup>27</sup>.

Боланинг фикрига хуқукий аҳамият бериш зарур бўлган ёшни аниқлаш масаласида юридик адабиётлар яқдил мавжуд эмас. Шундай қилиб, В.И.Абрамов боланинг хулқ-атворининг ижтимоий аҳамиятга эга табиати ва ижтимоий аҳамиятга эга қарорлар қабул қилиш қобилиятидан хабардорлиги 16 ёшдан олдин содир бўлмайди, деб ҳисоблайди<sup>28</sup>. А.Г.Райкунова 10-13 ёшдаги вояга етмаганларни оила қонунчилиги доирасида алоҳида ёш гуруҳига ажратишни ва уларга қонунчилик даражасида 6-9 ёшдаги вояга етмаганлар ва 14-18 ёшдаги вояга етмаганларнинг хуқукий лаёқати ҳажмидан фарқли

<sup>26</sup> Болотова А.В., Молчанова О.П. Психология развития и возрастная психология. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2012.

<sup>27</sup> Федорова Л.Ф. О проблемах реализации права ребенка на выражение своего мнения // Евразийская адвокатура. 2014. - № 5 (12). – С. 80.

<sup>28</sup> Абрамов В.И. Права ребенка и их защита в России: общетеоретический анализ: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Саратов, 2007. – С. 28.

равища маҳсус ҳажмда ҳуқуқий лаёқатнинг мавжудлигини белгилашни таклиф қиласиди”<sup>29</sup>. А.М.Эрдевескийнинг сўзларига кўра, фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, б ёшли бола муайян турдаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга (масалан, майда майший битимлар), “худди шу ёшда бола ота-онасидан қайси бири билан яшашни хоҳлаши ҳакида ўз фикрини шакллантира олади, бир вақтнинг ўзида кимга ва қандай мақсадларда бундай фикрни билдиришини тушунади. Шу билан бирга, “бу ёшдан бошлаб бола ўзига тааллуқли масалалар бўйича “суд мажлисига киритилиши лозим”<sup>30</sup>.

Психологик олимларнинг фикрига кўра, аллақачон мактабгача ёшдаги болалар “ҳаракатларда мувофиқлик ва изчилликни, ўз ҳаракатларини ва олинган натижани ўзи баҳолашни намоён қиласидилар”<sup>31</sup>, бошланғич мактаб ёшида “кишилар турли хил маълумотларга эга бўлиш сабабли ҳар хил нуқтаи назарларга эга бўлиши мумкинлигини болалар тушунишни бошлайдилар; уларда бошқалар қандай ўйлашини олдиндан билиш қобилияти ривожланади; улар бошқа одамларни яхшироқ тушуна бошлайдилар; улар бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатларининг сабабларини англай бошлайдилар”<sup>32</sup>.

Юқоридагилар билан боғлик ҳолда, боланинг фикрини ҳисобга олиш керак бўлган ёшни 7 ёшгача камайтириш тавсия этилади. Шу билан бирга, албатта, болага фикр билдириш ҳуқуқидан фойдаланишга имкон берадиган икки томонлама мезонни ўрнатишни таклиф қиласидиган олимларнинг фикрига қўшилиш керак – “ёш ва етуклик”<sup>33</sup>, яъни, муҳокама қилинган масалаларнинг оқибатларини тушуниш ва баҳолаш қобилияти. Кўпинча, 5-6 ёшли бола 15-16 ёшдаги “ўсмир” га қараганда анча тортишувли ва онгли равища турли хил ҳаётий ҳолатлар бўйича ўз хулосаларини ифодалайди. Боланинг ўз манфаатларини англашига келсак, А.М.Нечаеванинг сўзларига кўра, “бу муаммоли масала, чунки вояга етмаган, ҳатто онгли ёшдаги, кўпинча унинг утилитар, савдо манфаатларини кўради”<sup>34</sup>. Ва шунинг учун, боланинг фикрига аниқлик киритишида, қоида тариқасида, болалар психологияси соҳасида маҳсус билимга эга бўлмаган ўқитувчи ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакилини эмас, балки психологни жалб қилиш муҳимдир. Мураккаб ҳолатларда суд боланинг ўз фикрини мустақил равища шакллантириш қобилияти

<sup>29</sup> Райкунова А.Г. Правосубъектность несовершеннолетних в области семейных личных неимущественных отношений // Семейное и жилищное право. – 2005. – № 1. – С. 7.

<sup>30</sup> Эрдевеский А.М. Право ребенка на выражение мнения // СПС КонсультантПлюс, 2001.

<sup>31</sup> Психология: Учебник / Отв. ред. А.А. Крылов. – М.: Проспект, 2009. – С. 323.

<sup>32</sup> Болотова А.В., Молчанова О.П. Психология развития и возрастная психология. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2012.

<sup>33</sup> Кравчук Н.В. Конвенция о международном похищении детей: законодательные проблемы и перспективы реализации // Семейное и жилищное право. – 2013. – № 1. – С. 12–17.

<sup>34</sup> Комментарий к Семейному кодексу РФ / Отв. ред. А.М. Нечаева. – М.: Юрайт-Издат, 2008. – С. 195.

ҳақидаги саволга ойдинлик киритиш учун суд-психиатрия ёки суд-психологик экспертизасини тайинлаш ҳуқуқига эга

Боланинг исм, ота исми ва фамилияга бўлган ҳуқуқи қонун белгиланган ва бу ҳуқуқ ФКда белгиланган исмга бўлган ҳуқуқ билан уйғунликда амалга оширилади. Ю.Ф.Беспалов ушбу ҳуқуқни “исмга эга бўлиш, уни рўйхатдан ўтказиш ва ўзгартириш, ўз номи билан оиласвий ва бошқа муносабатларда иштирок этиш учун юридик имконият, шунингдек, ушбу ҳуқуқ бузилган ҳолларда исмни ҳимоя қилиш имконияти” деб таърифлайди<sup>35</sup>. Т.В.Шершеннинг фикрига кўра “исмга бўлган ҳукуқнинг мазмуни қуйидаги ваколатлардан иборат: туғилишни рўйхатдан ўтказишида исм бериш, исмдан фойдаланиш, исмни ўзгартириш, исмни ҳимоя қилиш”<sup>36</sup>.

ОКнинг 69-моддаси учинчи қисмига кўра “Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлганда ота-онанинг келишувига биноан болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Ота-онанинг хоҳишига кўра, болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Ота-она ўртасида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмаганда, келиб чиқсан низо васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади”. Бундан фарқли равища Қозогистоннинг “Никоҳ (эр-хотин) ва оила тўғрисида”ги кодексида болага исм қўйиш бўйича келишмовчиликлар суд томонидан кўриб чиқилиши белгиланган. Фикримизча, бундай тартиб анча ўринлидир. Зоро, болага исм танлаш ёки унинг фамилиясини аниқлашдаги келишмовчиликларни васийлик ва ҳомийлик органи эмас, балки суд қарори билан ҳал этилиши мақсадга мувофиқдир. Шу муносабат билан ОКнинг 69-моддаси учинчи қисмida низо суд томонидан ҳал этилиши ҳақидаги қоидани киритиш лозим.

Бундан ташқари, ОКда ота-онаси бўлмаган, топиб олинган ёки ташлаб кетилган болага исм, ота исми ва фамилия танлаш масаласи белгиланмаганлигига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бу борада ҳам Қозогистоннинг “Никоҳ (эр-хотин) ва оила тўғрисида”ги кодекси 63-моддаси б-қисмida белгиланган бўлиб унга кўра “агар боланинг ота-онаси номаълум бўлса боланинг исми, ота исми ва фамилияси васийлик ва ҳомийлик бўйича вазифаларни амалга оширувчи орган, тиббий ёки турар жой бўйича боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини бажараётган бошқа муассаса томонидан

<sup>35</sup> Беспалов Ю.Ф. Семейно-правовое положение ребенка в Российской Федерации. //Вестник ТвГУ. Серия "Право". 2013. Выпуск 34. – С. 133-141.

<sup>36</sup> Шершень Т.В. Право ребенка на имя и его интерес как определяющий критерий в процессе реализации права на присвоение и перемену имени // Семейное и жилищное право. 2009. – № 6. – С. 7.

қўйилади”. Фикримизча, ОКнинг 69-моддаси тўртинчи қисми сифатида ушбу нормада белгиланиши зарур.

Болага исм танлашда ота-оналар томонидан ОКнинг 69-моддаси учинчи қисмида белгиланган “миллий анъаналарга” риоя этмаслик ҳолатлари учрайди. Бундай ҳолатларда “болага исм унинг келгусидаги манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда берилади, келгусида унинг шаъни ва қадрига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган исм берилишига йўл қўйилмайди”<sup>37</sup>.

Бироқ таъкидлаш лозимкic, амалдаги қонунчилиқда болага ота-онаси танлаган исмни расмийлаштириш рад этишнинг қонунчилиқда аниқ талаблари ва шартлари назарда тутилган.

Чет эл мамлакатларида қонун чиқарувчилар бу вазиятдан турли йўллар билан чиқишиади. Беларусь Республикасининг никоҳ ва оила тўғрисидаги кодекси 69-моддаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатдан ўтказувчи орган, агар болага қўйилаётган исм жамоат ахлоқи, миллий урфодатлар нормаларига зид бўлмаса, болага ота-оналар томонидан танланган тўғри исм беришни рад этиш ҳуқуқига эга эмаслигини белгилайди. Франция ФКнинг 57-моддасида белгиланишича, агар боланинг исми ўзи ёки бошқа исмлар билан биргаликда боланинг манфаатларига зид бўлса, у республика прокурорига хабар бериши керак. Прокурор можарони ҳал қилиш учун оилавий суд судьясига мурожаат қилиши мумкин. Агар судья бу исм боланинг манфаатларига мос келмаслигини аниқласа, у бундай номни фуқаролик ҳолати рўйхатларидан чиқариб ташлаш тўғрисида қарор қабул қиласди. Озарбайжонда 2011 йил 12 майдаги “Ислар, отасининг исмлари ва фамилияларини тайинлаш ва ўзгартириш қоидалари” мавжуд бўлиб, унда болага унинг манфаатларига зарар етказадиган ёки унинг жинсига мос келмайдиган исм берилмаслиги ва болани кулгили исм деб аташ керак эмаслиги белгиланган. Болага берилиши мумкин бўлмаган исмлар рўйхати мавжуд<sup>38</sup>.

Илмий адабиётлар<sup>39</sup> таҳлилидан кўриниб турибдики, кўплаб тадқиқотчилар ва олимлар ота-оналарнинг исм танлашда имкониятларини оқилона чегаралар ичida чеклаш зарур деб хисоблашади. Чунки қонунчилиқдаги бу ўзгаришлар ота-оналарнинг ўз фарзандига исм танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга эмас, балки бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу ҳолда асосий муаммо-бу ном танлашда тақиқлар

<sup>37</sup> Жиззахда чақалоқка "Мбаппе" деб исм қўйишдими? // <https://darakchi.uz/uz/159683>

<sup>38</sup> Ладочкина Л. В. Право и обязанность родителей дать имя ребенку / Л. В. Ладочкина // Вестник Саратовской государственной юридической академии. 2016. – № 3 (110). – С. 76–78.

<sup>39</sup> Стрекаловская, М. О. Право ребенка на имя и проблемы его реализации / М. О. Стрекаловская. Текст : непосредственный // Молодой ученый. 2016. – № 21 (125). – С. 665-668. – URL: <https://moluch.ru/archive/125/34884/> (дата обращения: 20.01.2023).

аниқланадиган мезонларни ишлаб чиқиши. Юқоридаги фикрларни таҳлил қилиб, қуидагилар исм сифатида ишлатилмаслигини таклиф қилиши мумкин: 1) рақамли белгилар; 2) формуалалар, кимёвий, физик, математик белгилар; 3) қисқартмалар; 4) ахлоқсиз сўзлар, ҳақоратли сўзлар ва иборалар (масалан, аҳмоқ, галварс ва бошқалар.); 5) сифатлар (масалан, чиройли, даҳшатли ва ҳоказо.), феъллар; 6) жуғрофий номлар; 7) ҳайвонлар, ўсимликлар, замбуруғлар ва вирусларнинг номлари (асосий қиролликларнинг илмий таснифига кўра); 8) унвонлар, мартабалар, даражалар; 9) юқоридаги элементларнинг комбинацияси.

## REFERENCES

1. Насриев И.И. Шахсий номулкий хуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-хуқуқий муоммолари. – Тошкент.: Фоур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006. – Б. 11.
2. Якубова И.Б. Ўзбекистон ва Япония қонунчилигига шахсий номулкий хуқуқларни фуқаролик-хуқуқий муҳофаза қилиниши: юрид. фан. фалс. докт (PhD). дис. ... автореф. – Тошкент: 2018. – 21 б.
3. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик хуқуқининг объектлари. – Тошкент: 2008. – 15 б.
4. Understanding Children's Rights. URL: <https://www.humanium.org/en/fundamental-rights/>
5. Тарусина Н.Н. Семейное право. Учебное пособие. – М.: Проспект. 2000. – 101 с.
6. Геллер М.В. Реализация и защита права несовершеннолетнего жить и воспитываться в семье по законодательству Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2007. – 10 с.
7. аль-Бенна А. (известный как ас-Са‘ати). Аль-фатх ар-раббани ли тартиб муснад аль-имам ахмад ибн ханбал аш-шайбани. Т. 10. Ч. 19. С. 45
8. аль-Газали М. (450–505 гг. по хиджре). Ихъя ‘улюм ад-дин [Иймон тўғрисидаги илмлар]. В 6 т. С. 69.
9. Король И.Г. Личные неимущественные права ребенка по семейному праву Российской Федерации: научно-практическое пособие. Проспект, 2010.
10. Грудцина Л.Ю. Семейное право России // Юриспруденция. - 2006. - № 4. - С. 39-48.
11. Савельева, Н.М. Правовое положение Ребенка в России / Н.М. Савельева // История. - 2000. - №46. - С 56-62.
12. Глисков, А.Г. Права и обязанности несовершеннолетних: (комментарии к законодательству о правах несовершеннолетних и защите этих прав) / А.Г.

- Глисков, А.И. Забейворота, О.В. Самолюк. - Ростов-на-Дону: Феникс, 2007. - 634 с. - (Закон и общество).
13. Кравчук, Н.В. Конвенция о правах ребенка ООН как инструмент защиты семейных прав ребенка в России/ Н.В. Кравчук // Государство и право. - 2006. - № 4. - С.49-58.
14. Бутнев В.В. Механизм судебной защиты субъективных прав и охраняемых законом интересов// Юридические записки Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидова. Вып. 4 / Под ред. В.Н. Карташова, В.В. Бутнева. Ярославль, 2010 – С.86
15. Мордовец, А.С. Социально-юридический механизм обеспечения прав человека и гражданина / Под ред. Н.И.Матузова. Саратов, 2009. – 288 с.
16. Ильина О.Ю. Интересы ребенка в семейном праве Российской Федерации. М., 2006. С. 106.
17. Летова Н.В. Усыновление в Российской Федерации: правовые проблемы. М., 2006. С. 78.
18. Антокольская М.В. Семейное право: учебник. М., 2002. С. 189.
19. Джабуа И.В. Право ребенка на выражение собственного мнения // Вестник Московского университета МВД России. 2013. – № 3. – С. 73.
20. Тарусина Н.Н. Семейное право: учеб. пособие. М., 2001. – С. 111.
21. Болотова А.В., Молчанова О.П. Психология развития и возрастная психология. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2012.
22. Федорова Л.Ф. О проблемах реализации права ребенка на выражение своего мнения // Евразийская адвокатура. 2014. - № 5 (12). – С. 80.
23. Абрамов В.И. Права ребенка и их защита в России: общетеоретический анализ: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Саратов, 2007. – С. 28.
24. Райкунова А.Г. Правосубъектность несовершеннолетних в области семейных личных неимущественных отношений // Семейное и жилищное право. – 2005. – № 1. – С. 7.
25. Эрделевский А.М. Право ребенка на выражение мнения // СПС КонсультантПлюс, 2001.
26. Комментарий к Семейному кодексу РФ / Отв. ред. А.М. Нечаева. – М.: Юрайт-Издат, 2008. – С. 195.
27. Шершень Т.В. Право ребенка на имя и его интерес как определяющий критерий в процессе реализации права на присвоение и перемену имени // Семейное и жилищное право. 2009. – № 6. – С. 7.
28. Жиззахда чақалоққа "Мбаппе" деб исм қўйишидими? //  
<https://darakchi.uz/uz/159683>

29. Ладочкина Л. В. Право и обязанность родителей дать имя ребенку / Л. В. Ладочкина // Вестник Саратовской государственной юридической академии. 2016. – № 3 (110). – С. 76–78.
30. Azimjon Abdumo'min o'g, I. (2023, January). IJARA SHARTNOMASI OBYEKTI. In *Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences* (Vol. 2, No. 1, pp. 161-165).
31. Иброҳимов, А. А. Ў. (2021). КОРПОРАЦИЯНИ БОШҚАРИШДА ФИДУЦИАР МАЖБУРИЯТЛАР ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 841-853.
32. Ibrohimov, A. A. O., Koryogdiyev, B. U. O., & Tojiboyev, S. Z. (2022). KORPORATIV NIQOBLARNI OLIB TASHLASH KONSEPSIYASI VA UNI O'ZBEKISTON KORPORATIV HUQUQIDA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 1068-1082.
33. Ibrohimov, A. A. M. O. G. L., & Nechaeva, E. V. (2022). XALQARO INVESTITSIYA HUQUQIDA MILLIY REJIM VA ENG QULAY SHARTLAR REJIMI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 414-425.
34. Azimjon, I. (2022). ZARAR-YURIDIK SHAXS ISHTIROKCHILARI VA BOSHQARUV ORGANLARI FUQAROLIK-HUQUQIY JAVOBGARLIGINING ZARURIY SHARTI SIFATIDA.